# ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ







***Республикамиздаги барча муаллиму устозларни, олиму фузалоларни Ўқитувчилар ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами билан қизғин муборакбод этади.***



# ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ



*Тупроқдек хокисор, безовта жонлар*
*Аммо қаноатда тоғдек улуғвор,*
*Ҳатто Темурдайин Соҳибқиронлар*
*Пирим деб этагин ўпган зотлар бор*
*Қайсар Жаҳонгирга йўл кўрсатган ким?*
*Оддий муаллим-да, оддий муаллим.*



# ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ

*Азиз инсонлар – Ўқитувчи ва мураббийларни касб байрамлари билан самимий муборакбод этади.*

Отадай улуғсиз, Онадай азиз,
Қуёшдай мунаввар, нон каби лазиз,
Дунё жаҳолатда қоларди сизсиз,
Менинг муаллимларим, менинг муаллимларим.



# ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА БУХОРО ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ

*Келажагимиз ворислари – ёш авлодни тарбиялашдек масъулиятли ва шарафли ишингизда муваффақиятлар ёр бўлсин.*





# ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ



*Ҳар қандай таълим ва тарбияда энг асосий нарса муаллим, унинг тафаккур дунёсидир.*



# ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

## КЕЧИРИМЛИ БЎЛИНГЛАР

**Кимки ҳар бир нарсани сабр билан, шошилмасдан қилса, мақсадига эришади. Кимки шошилса хато қилади.**

* * *

*Кимки дастурхондан тушган нарсани олса мағфират қилинади.*

* * *

**Кимки табобат илмини билмай туриб, табиблик қилса, у жавобгардир.**

* * *

*Ким ўзини катта олса, юришида ўзига бино қўйса, ғазабга учрайди.*

* * *

**Кимки гапирган гапини амали солиҳдан ҳисобласа, сўзи камаяди, фақатгина керакли гапларни гапиради.**



* * *

*Кимнинг хулқи ёмон бўлса ўзини ўзи азоблайди. Кимнинг ғами кўпайса бадани касалланади. Кимнинг кишилар билан тортишаверадиган одати бўлса ҳурмати кетади ва обрўси тушади.*

* * *

**Кимки бошлиққа одамларни маҳфий равишда чақса, у ақлсиздир ёки унда ақлсизликдан бир оз бор.**

* * *

*Кимнинг ёш боласи бўлса, унга болаларча муносабатда муомала қилсин.*

* * *

**Ким раҳим қилмаса, унга ҳам раҳим қилинмайди. Ким кечирмаса, у ҳам кечирилмайди. Ким гуноҳдан қайтмаса, уни жазога тортишдан ҳам қайтилмайди.**

**«ҲАДИС»ДАН**

***Мамлакатимизда болалар спортини янада ривожлантириш, хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига оммавий жалб этиш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.***

## «СПОРТИМИЗ МАЛИКАСИ» ТАНЛОВИ

Тошкентда ўтказиладиган "Спортимиз маликаси" биринчи Республика кўрик-танлови ҳам ана шу саъй-ҳаракатларнинг яққол ифодасидир. Олимпиа Шон-шухрати музейида ушбу тадбир олдидан матбуот анжумани ўтказилди. Республика Хотин-қизлар Қўмитаси, Ўзбекистон Миллий олимпиа қўмитаси қошидаги хотин-қизлар спорт қўмитаси, Ўзбекистон телерадиокомпанияси ва бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилаётган ушбу танловнинг дастлабки босқичларида жами 64 нафар спортчи иштирок этади. Телевидение ва интернет орқали ташкил этилган сўровлар якунига кўра улар орасидан етти нафари сараланиб олинди. Матбуот анжуманида ташкилий қўмита аъзолари қатнашчилар билан бирга "Спортимиз маликаси" ва яна олтита номинация бўйича совриндорларни аниқлаб берадиган ўзига хос шартлар ҳақида маълумот бердилар. Ёшлик гўзаллик ва нафосатни тарғиб этиш баробарида аёлларни спортга жалб этишга қаратилган ушбу танловнинг финал босқичи иккинчи октябр куни Тошкентдаги "Dedeman Silk Road" меҳмонхонасида бўлиб ўтади.

*Фахр*

***Саккизинчи ихтисослашган мактаб-интернат нафақат Китоб шаҳрида, балки вилоятда ҳам салоҳиятли илм масканлардан бири. Бу ерда айни пайтда беш йўналиш бўйича 120 нафарга яқин ўқувчи фан сирларини мукаммал ўрганиб, чуқурлаштирилган билим оляпти.***

## БАХТ ҚЎРҒОНИ

Мазкур илм даргоҳи бундан 10 йил муқаддам Халқ таълими вазирлигининг «Янги турдаги муассасаларни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида Юсуф Хос Хожиб номли мактаб базасида ташкил этилди. Дастлаб мактабдан 24 хонали 2 та бино ажратилиб, иш фаолиятини бошлаган илм маскани эндиликда кадрлар тайёрлашда вилоятда ўз ўрнига эга.

Ихтисослашган мактаб-интернатда куни кеча бўлиб ўтган тадбирда фахрий ўқитувчилар билан бирга илм даргоҳида таълим олиб, эндиликда ўқишларини хорижда давом эттираётган ёшларнинг ота-оналари иштирок этдилар.

– Ушбу илм масканида ўқиб, эндиликда хорижликлар нигоҳига тушган шогирдларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз, – дейди устоз-муаллим Пўлат Қурбонов. – Биз ёшларга ишонамиз. Мустақил мамлакатимиз келажаги улар қўлида.

Мактаб-интернатни шу кунгача 489 нафар ўқувчи битириб, улардан 472 нафари республикадаги нуфузли олийгоҳларда таълим олди. Элдор Элмуродов, Фаррух Абдусамиев Японияда, Фахриддин Бобоев Англияда, Умид Ражабов Кореяда, Эркин Қосимов эса Финляндияда ўқишни давом эттирмоқда. Илм даргоҳини тугаллаб чиққан Миршод Ғаппоров, Миршод Муқимов, Умиджон Қодировлар чегара қўшинлари Олий мактабини тугатиб, Ватанимиз сарҳадларини қўриқламоқдалар.

– Биз илм масканимизнинг дастлабки қалдирғочлари ҳисобланган Алишер Юсупов, Муродулло Тошмирзаев, Ҳикмат Ғаффоров, Рашид Ражабовлар номларини фахр билан тилга оламиз, – дейди мактаб директори Ҳабиба Ҳидирова. – Улар Олий ҳарбий қўмондонлик мактабини тугаллаб, айни пайтда Ички ишлар вазирлигида хизмат қилаётган бўлсалар, Анвар Авлоқулов молия институтида ёшларга сабоқ бермоқда.



Яқинда унинг биринчи китоби нашр этилганлигини эшитиб қувончимизга қувонч қўшилди.

Илм даргоҳини тугаллаган 15 нафар ўқувчи магистратурани тугатиб, республикамизнинг нуфузли банклари, тиббиёт ҳамда молия муассасаларида фаолият юритяпти.

Мактабда фанлар олимпиадасида қатнашиб, фахрли ўринларни олаётган ўқувчилар сони йил сайин ошмоқда. Ўтган ўқув йилида республика олимпиадасида 3 нафар, халқаро танловларда 3 нафар, республика иқтидорли ўқувчилар танловида ҳам иштирок этишиб, фахрли ўринларни қўлга киритган бўлса, Обид Шоназаров, Элдор Алиқулов сингари ўқувчилар информатика фанидан республика иқтидорли ўқувчилар кўрик-танловида қатнашиб вилоят ва республикада биринчи ўринни қўлга киритдилар.

«Сув – ҳаёт манбаи» кўрик-танловида иштирок этган Феруза Боева ҳамда Маҳлиё Муқимовалар республикада иккинчи ўринни қўлга киритдилар. Илм масканини тугаллаган 56 нафар ўқувчининг 88 фоизи турли олийгоҳларнинг талабалари бўлишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2002-2003 ўқув йилида Буюк Британия элчихонаси вакиллари томонидан ўтказилган танловларда Моҳигул Хўжамова ҳамда Шуҳрат Холовлар ғолибликни қўлга киритиб, бир ой давомида Англиядаги мактабларда таҳсил олиб қайтишди. Ўқувчиларнинг пухта билим олишида педагогларнинг ҳар томонлама етуклиги, ўз ишига сидқидилдан ёндошаётганлиги омил бўлмоқда. 22 нафар олий ва биринчи тоифали тажрибали ижодкор ўқитувчилар мактаб ифтихори ҳисобланишади. Флида Акберова, Мамашариф Мирзаев, Бахтиёр Абдиев сингари ўқитувчилар «Педагогик тестларнинг ижодкор муаллифи» республика кўрик-танловида иштирок этиб, совринли ўринларга сазовор бўлишди. Инглиз тили ўқитувчиси Сирожиддин Жўраев АКСЕЛС танловида қатнашиб, мактаб учун 4 минг долларлик техник воситаларига, ўзи учун 400 долларлик ўқув адабиётларини қўлга киритишга эришди.

2003 йилдан бошлаб мактаб-интернат IREX компаниясининг «Ўзбекистон мактабларида интернет» танловидаги муваффақияти эвазига йигирма ой интернет тармоғидан текин фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритди.

2004-2005 йилларга мўлжалланган концепция асосида мактаб-интернатда таъмирлаш ишлари олиб борилиб, давлат томонидан 10 миллион 200 минг сўм ажратилган бўлса, бюджетдан ташқари 3 миллион 200 минг сўм маблағ топилди.

Республика Халқ таълими вазирлиги, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Оила» илмий-амалий маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши томонидан 2005-2006 ўқув йилининг «Оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш ўқув йили» деб эълон қилинганлиги мазкур илм даргоҳида ҳам ижобий натижасини топмоқда.

**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Овчи ён дафтаридан*

## ҒОР ИЧИДАГИ КУШАНДАЛАР

***Етимтоғ этагида жойлашган ғорни макон қилиб олган бир тўда жайралар экин майдонларини кунда-кунора пайҳон қилиб, «Кўпбулоқ» жамоа хўжалиги иқтисодиётига зиён етказиб келарди. Айниқса, заракунандалар болга тўлган асалдек ширин ковун-тарвуз пайкалларига тез-тез оралаб, деҳқонлар ташвишига ташвиш қўшарди.***

Содир бўлаётган кўнгилсизликларга моҳир овчи Ҳаққул амаки бефарқ қараб туролмади. Даставвал у ғор теварак-атрофини синчиклаб ўрганди, шамолнинг тоғ чўққисидан пастга - жануб томонга эсишини ҳисобга олган ҳолда кун ботишдаги бутазорлар оралиғидан ҳандақлар қазиш зарурлиги ҳақида бир тўхтамга келди. Негаки, кушандаларнинг ҳид билиш ва кўриш қобилияти ўта сезгир бўлади. Кўпдан қуён қочиб қутилмас, деганларидек, хўжалик аҳли бир тан-бир жон бўлишиб, дарҳол қазиш ишларини бошлаб юборишди. Ҳандақларни бир-бирига туташтирувчи йўлаклар ҳам ҳаш-паш дегунча тайёр бўлди.

Борлиққа тун қора пардасини ёйганида, ҳандақлар ичига ўрнашиб, зараркунанда-кушандаларнинг ғордан чиқишини сабрсизлик билан кута бошладик. Тўлин ой кўтарилиб теварак-атроф ёришгач, гўё ишларимиз ўнгидан келадигандай хурсанд бўлдим. Ҳашаротларнинг шовқини аллақачон тинган, зоғ ҳам учмасди. Аҳён-аҳёнда бойўғлининг «пиш-пиш»лагани эшитиларди.

Кўп вақт ўтмай ғор томондан бир неча шарпалар кўринди. Уларнинг «шиқир-шиқир»и борган сари авж олиб, тошдан-тошга сакраганларида оқ-қора, узун ва учқур ниначалари тўлин ой ёруғида ялтирарди. Улар зараркунанда жайралар эди. Бутун вужудим қулоққа айланди. Лекин негадир Ҳаққул амаки шошилмасди. Ундан ҳеч бир имо-ишора ва садо чиқавермасди. Ниҳоят жайралар хўжалик экинтикин майдони томон ёпирилиб ўтишаётганида тоғларни ларзага солувчи гумбурлаган садо қулоқни қоматга келтирди. Зараркунандаларнинг ҳеч бири қочиб қутулолмади.

Тонг ёришиб келарди. Биз бу вақтда нафасни ростлаб, Сангзор дарёси соҳилидаги кечувдан ўтдик. Пахталик кийим-бош ва юкларимизни дарё қирғоғида қолдириб, ғор томон яқинлаша бошладик. Ташландиқ ва харобазорга айланган ғор ичкарисига тўрт-беш қадам юрар-юрмасимиздан ён-атрофимизни қоронғулик чулғади. Ҳеч нимани кўриб бўлмас, ондасондагина бойўғлининг беўхшов овози кўнглимизга хавотирлик ва ғулғула солиб турарди. Ёритгич ёрдамида эгри-бугри, паст ва баланд йўлларни босиб ўтдик. Тор тўсиқлардан эмаклаган ҳолда ўтишимизга тўғри келди. Ниҳоят ғор туби кўринди. Бу ернинг кенг саҳнида бир неча жойларда хас-чўпларга ўралашиб олган жайра болалари мўлтираб туришарди. Уларни ҳеч бир қийинчиликларсиз тутиб, халталарга жойладик.

Барча қийинчиликлар ортда қолди. Чарчоқ ва ташвишлар унут бўлди. Энг муҳими, ғорни кўпдан макон қилиб олган зараркунанда жайралар тамоман тугатилган. Деҳқонларнинг халоватли ва ҳузурбахш меҳнат кунлари бошланган эди.

**Абдулла САИДОВ**

## ВАКИЛЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида эркин ва юнон рум кураши бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда.

120 килограмгача бўлган вазн тоифасида етакчи курашчиларимиздан бири Афина олимпиадаси олтин медали соҳиби Артур Таймазов ҳам иштирок этди. У Руминия вакилига қарши бўлиб ўтган чорак финал баҳсида жиддий жароҳат олганлиги боис беллашувни давом эттира олмади. Шуни таъкидлаш лозимки, Артурнинг беллашувда жароҳат олганлиги ўзбек спортчилари учун катта йўқотиш бўлди. Чунки мутахассисларнинг фикрига кўра, у олтин медални қўлга киритишга рақиблари орасида асосий даъвогарлардан бири эди. Қизлар мусобақасида иштирок этган ёш истеъдодли спортчиларимиз Динара Мирзаева 51 килограмм вазнда кучли саккизликдан ўрин олди.

*Тарих қатларида қолган сир*

***Нигина Хоразмшоҳлар салтанати довруғи оламни тутган бир пайтда яшади. Нав-ниҳолгина бу раққоса қиз Аловуддин Муҳаммад саройида тез-тез бўлиб ўтадиган базму жамшидларда, тўю-томошаларда минг хиромда, ишваю-карашмалар билан ракс тушар эди. Ўзининг жозибали ҳаракатлари ила ўзгалар кўнглига олам-олам завқ-шавқ бахш этган бу сулувнинг васли қўйида не-не азаматлар куйиб кул бўлмади дейсиз? Айниқса, у ўз латофати билан Хўжанд ҳокими Темур Маликни муҳаббат оташида ёқарди.***

## РАҚҚОСА НИГИНА

Темур Малик наздида беназир чирой ва латофат соҳибаси гўё саккизинчи осмон ҳурларидан бири эди. Ҳокимнинг хаёлини остун-устун қилишга, қалбини чексиз изтиробларга солиб қўйишга биргина «Нигина» сўзининг ўзи кифоя қиларди. Унга уйланиш орқалигина ўз дарди фароғат топишини билсада, Темур Маликнинг бу борадаги ўйлари, орзу-интилишлари сароблигича қоларди. Негаки, қайнотаси - салтанат ҳукмдори Аловуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ Нигинани саройнинг файзи-тароввати, кўрки жамоли деб билар, қолаверса, шундай соҳибжамолни ўз қизи устига кундош қилиб куёвига узатмаслиги аён эди.

Базму жамшидларда хоразмча шўх-шўх куй-қўшиқларга оҳудай сакраб хиром этаётган Нигинага вужуди жунбушга келганча эҳтирос билан Темур Малик термулиб, пинҳоний ишқ дардидан сархуш бўлиб ўтирарди. Нигина ҳам унинг муҳаббатини нигоҳидан аллақачон англаб етган эди. Ҳар сафар у ракс тушганида ҳукмдор ва унинг аъёнлари қимматбаҳо совғалар ҳадя этардилар, Темур Малик берган совғалар ҳамманикидан кўп ва хўб бўларди.

Нигина хоразмшоҳлар салтанатидан энг бой аёллар қаторида тарих битикларида қайд этилади. Унинг олтин-кумуш ва дуру жавоҳирлари амиру уламолар тўплаган бойликлардан ҳам икки ҳисса кўп бўлган. Бироқ Нигинанинг юраги моддий бойликлардан-да юз чандон қадрли бўлган маънавий гўзаллик билан лиммо-лим тўлиб тошган эди. У суюкли, фидойи бир фарзанд сингари туғилган заминини қалбдан ортиқ яхши кўрар, унинг файзли кунлари учун жонини тикишга ҳам тайёр бўлиб яшарди. Ўша тарих битикларига қора ва мудҳиш лавҳалар бўлиб муҳрланиб қолган 1221 йилги мўғуллар босқини Нигинадай раққоса қизнинг ички оламини шаффофдай мусаффолигини кўрсата билди.

Турон заминига қашқирдай қутуриб, қонсираб бостириб келган мўғуллар важоҳати Жалолиддин Мангуберди ва Темур Маликлардай жавонмард эрларни чўчита олмади. Улар бор кучларини аклига, билагига йиғиб, ғанимга қарши мардона курашишга бел боғладилар. Лекин арзанда ўғиллари ва «икки дунё хотинларининг подшосиман», деб ўзига бино қўйган жоҳил Туркон хотун ҳамда сон-саноқсиз беку амирлар аркони-давлатини карвонларига ортиб, онадай буюк Ватанларини ёғийлар оти туёғига шундоқ топширганча қочиб қолдилар. Муҳаммад Хоразмшоҳнинг калтафаҳм ва худбинлиги боис Жалолиддиннинг кучларни бир жойга тўплаб, уюшган ҳолда жанг қилиш таклифи инобатга олинмади.

Шу боис, Темур Малик ўз қўшини билан мўғулларга қарши алоҳида жанг олиб борди. У жуда кўп қаҳрамонликлар кўрсатди. Темур Маликнинг мардлиги афсонага айланди. Тарих битикларига мангу муҳрланди. Бағдоддан паноҳ топган Нигина эса, хоҳ Жалолиддин бўлсин, хоҳ Темур Малик, мабодо учраб қолса хабар етказишни тайинлаб ўз даракчиларини ҳамма жойларга жўнатиб юборган эди.

...Бағдод кўчаларида оддий фуқаро кийимида, изтиробли қиёфада кезиб юрган Темур Маликнинг қўлини бир дарвеш маҳкам ушлаганича аллақаерга қараб торта бошлайди. Эгри-бугри кўчалардан юргач, бир кулба олдида тўхтайди. Ичкарига киришганида Темур Маликнинг нигоҳи тўшакда ўлим билан олишиб ётган, чўпдай озиб кетган, заъфарон юзли аёлга тушади. Беморнинг лаблари оҳиста титраб, паҳлавонни ёнига чақиради ва ўзини Нигина эканини айтади. Сўнг ёстиғи остидаги катта тугунни олишни сўрайди. Темур Малик тугунни оларкан, бемор илтижо қила бошлади: «Сиз буларни Ватан озодлиги учун сарф айланг. Қурол сотиб олинг, лашкар тўпланг. Душманларни тоза юртимиздан ҳайдаб юборинг. Шунда гўримда армонсиз ётурман». Тугун ичида раққоса умр бўйи шоҳ салтанатида ракс тушиб тўплаган олтину жавоҳирлар бор эди...

Темур Малик раққоса билан хайрлашар экан, бир пайтлар кўзига ўйин-кулгудан бўлак иши йўқдай кўринган Нигинанинг она-юртига бўлган севгисини кўриб, унга ич-ичидан тан беради.

**Н.САЪДУЛЛАЕВА**
**тайёрлади**

## НИМ ТАБАССУМ

**– Марҳамат қилиб, менга туздонни узатиб юборинг, – деб мурожаат қилади хўранда ёнида ўтирган одамга.**

**– Нималар деяпсиз! Сиз мени официант деб ўйлаяпсиз, шекилли!**

**– Йўқ, йўқ, мен сизни бор-йўғи тарбия кўрган одам деб ўйловдим.**

* * *

*– Янги директор қалай? У билан ишласа бўладими?*

*– Жуда ажойиб одам. У билан мутлақо ишламаса ҳам бўлади.*

* * *

**Котиба бошлиқнинг хонасига кирипти.**

**– Ходимларингиздан бири сиз билан маошини оширишингиз ҳақида гаплашмоқчи.**

**– Мени йўқ деб қўяқолинг.**

**– Бунинг иложи йўқ. У одам сизнинг шу ерда эканингизни аниқ билади.**

**– Ким экан у?**

**– Менман.**

* * *

*Эри машинани тоғнинг бениҳоя гўзал гўшаларидан бирида тўхтатди. Хотини машинадан тушиб, дейди:*

*– О, нақадар гўзал! Бу манзарани кўриб, тилдан қолдим!*

*– Жуда соз! Ундай бўлса, таътилни шу ерда ўтказамиз.*

* * *

**– Бугун бирам қувноқсизки... Нима гап ўзи?**

**– Нимасини айтасиз. Мен ўғлимнинг намунали хулқидан хурсандман. Уни қамоқдан ярим йил аввал озод қилишипти.**

* * *

*Муаллиф танқидчидан сўради:*

*– Пьесамга бирон-бир ўзгартиришлар киритсаммикин? Сиз нима маслаҳат берасиз?*

*– Ҳа, албатта. Мен асарингизнинг қаҳрамони ўзини ўзи осмасдан, отишини маслаҳат берардим.*

*– Нима учун?*

*– Шунда ўқ товуши мудраб ўтирган томошабинларни уйғотиб юборарди.*

* * *

**Директор янги ходимдан сўради:**

**– Менинг ўринбосарим сизга пешиндан кейин нима қилишни айтганми?**

**– Ҳа, албатта. Сиз келишингиз билан уни уйғотишим керак.**

* * *

*Эри уйқусираб «Моника» деган номни айтади.*

*Эрталаб хотини Моника-нинг кимлигини сўрайди. Эр жавоб беради:*

*– Бу – кучукча. Оғайнимнинг идорасидаги жажжигина, яхшигина кучукча.*

*Кечқурун уйга келгач, эр сўрайди:*

*– Хўш, қандай янгиликлар бор?*

*– Деярли йўқ. Фақат оғайнингизнинг кучукчаси бир неча марта қўнғироқ қилди.*

* * *

**Отаси эшикни очиб қараса, остонада қизи бир йигит билан бирга турипти. Ота ғаши келиб йигитга деди:**

**– Бизнинг уйимизда роса соат ўн бирда чироқ ўчирилади.**

**– Ғоят миннатдорман, – деб жавоб берди йигит. – Шундай қилсангиз кўп яхши иш бўларди.**



ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (Бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 7256 Буюртма Г— 916 23456